

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**«БАНК ИШИ» ва «БАНК ҲИСОБИ ва
АУДИТ» КАФЕДРАЛАРИ**

**“БАНКЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ”**

**республика миқёсида ўтказилган илмий-
амалий конференция материаллари тўплами**

2020 йил 06 июнь

ТОШКЕНТ – 2020

УДК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50)

О-56

“Банкларга молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларнинг инновацион хизматлари самарадорлигини ошириш” мавзусидаги вазирлик миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами –601 б.

Масъул муҳаррирлар:

А.Омонов, З.Умаров, И.Жўраев, Ф.Холмаматов, А.Рахимов, А.Рахматов, Б.Мақсудов, С.Сайфуллаев.

Такризчилар:

Ш.Абдуллаева – и.ф.д., профессор,

Т.Бобакулов – и.ф.д., профессор,

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли Фармойиши асосида **“Банкларга молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларнинг инновацион хизматлари самарадорлигини ошириш”** мавзусида Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциянинг секциялари доирасида келиб тушган илмий тезислари асосида тузилган.

Тўпламда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, профессор-ўқитувчилари, иқтисодиёт йўналишидаги академиялар, шунингдек, молия-кредит соҳасидаги мутахассислар, илмий изланувчилар, магистрларнинг тижорат банкларига хорижий инвестициялар ва молиявий маблағларни жалб қилиш имкониятлари, юридик шахслар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларнинг муддатли депозитларига жалб этиш масалалари, банкларнинг қиматли қоғозлар билан операциялари ва рақобатли кредитлаш бозорини фаоллаштириш, банклар капитали таркибида давлат улушини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш зарурулиги ва йўллари, банкларнинг рақамли ва чакана хизматлари турлари ва сифатини ошириш, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, аудитнинг халқаро стандартлар асосида ташкил этиш масалаларига оид илмий тезислари ўрин олган.

Конференция материаллари Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, кредитлар ва депозитлар ҳажмини ошириш, банк хизматлари ва сифатини яхшилаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тузиш билан шуғулланувчи банк-молия соҳасининг етакчи ходимлари ва мутахассислари, барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходим ҳамда мустақил тадқиқотчилари ва магистрантлари учун фойдали бўлади деб умид қиламиз.

оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилмоқда, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун шароитлар яратилди. Бундан ташқари, ушбу қарорда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар баён этилган.

Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда банк тизимида чакана миқозларга кўрсатиладиган банк хизматлари салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга қарамай, банк хизматларидан фойдаланиш ва унинг оммабоплиги айрим ривожланган давлатларга солиштирганда мамлакатимизда бир оз сустлигини, хизматларни реализация қилиш механизмини етарли даражада такомиллашмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ҳар бир банкда миқозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ошишига ва банк даромади кўпайиши имкон яратади.

ҲАЁТ СУҒУРТАСИДА АНДЕРРАЙТИНГ ЖАРАЁНИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юлдашев О. – ЎзР БМА докторанти

Замонавий шароитларда инсонлар ҳаёт фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашда ҳаёт суғуртасининг роли доимий равишда ўсиб боради. Бунда, ҳаёт суғуртаси фақат суғурта бозорини ривожлантириш учунгина зурур бўлиб қолмасдан, балки алоҳида жозибадор бизнесга айланади. Аммо, ҳаётни суғурта қилиш назарияси ва амалиётини, унинг технологик хусусиятларини ўрганмасдан, махсус касбий билимларга эга бўлмасдан туриб, бу бизнесда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ҳаёт суғуртасининг асосий бизнес жараёнларидан бири бу андеррайтинг (инглизча Underwriting сўзидан олинган бўлиб, таржимаси “имзолаш” маъносини билдирсада, амалиётда суғурталаш учун таклиф этилаётган рискларни “суғуртага қабул қилиш”ни англатади), яъни маълум бир мезонлар асосида ҳаёт суғуртаси бўйича потенциал рискларни суғурталашга оид қарор қабул қилишдир.

Андеррайтинг суғурта фаолияти ривожланишининг барча босқичларида суғурта муносабатлари тизимининг асосий бўғини ҳисобланган, чунки суғурта операцияларини муваффақиятли олиб борилиши ва суғурталовчининг фойда олиши унинг самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, андеррайтинг - суғурталовчининг суғуртага қабул қилинадиган рискларни баҳолашга, тегишли тариф ставкасини ва суғурта шартларини аниқлашга, даромадли суғурта портфелини шакллантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Бу фаолиятни самарали олиб

бориш учун эса, суғурта объектларини баҳолаш ва рискларни юзага келиш эҳтимоллигини аниқлашнинг мураккаб муаммоларини ҳал эта оладиган юқори малакали мутахассис (андеррайтер)лар талаб қилинади.

Андеррайтинг жараёнида суғурта шартномасини тузиш тартиби аввалдан белгиланади, чунки бунда суғурта компанияси томонидан маълум бир ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурталанувчининг юзага келиши мумкин бўлган моддий йўқотишлари учун жавобгарлик қабул қилинади. Шундай экан, андеррайтернинг зиммасида суғурталаш учун таклиф қилинадиган рискларни тўғри баҳолаш ҳамда суғурта қилиш шартлари, муддатлари ва бошқалар бўйича якуний қарор қабул қилиш вазифаси туради.

Ҳаёт суғуртасида андеррайтинг суғурталанувчининг аризасидан бошланғич маълумотларни ҳамда иловадаги хужжатлардан ва экспертиза натижаларидан қўшимча маълумотларни ўрганиш жараёнидир ¹.

Умуман олганда, фикримизча, суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан, андеррайтернинг профессионаллигига боғлиқ, қолаверса, ҳар бир суғурта турида андеррайтинг жараёни фарқ қилади.

Ҳаёт суғуртасида андеррайтинг жараёнларининг энг муҳим жиҳати бу барча рискларни бир вақтнинг ўзида баҳолаш кўзда тутилганлиги ва комплекс амалга оширилишидир. Аммо, рискларни баҳолашнинг энг муҳим босқичи бу тиббий андеррайтинг ҳисобланади, чунки потенциал суғурталанувчининг соғлиғи қониқарсиз бўлса, андеррайтинг жараёнининг кейинги босқичлари долзарб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳаёт суғуртасида андеррайтинг жараёнини такомиллаштиришнинг энг самарали усулларида бири бу рақамли технологияларни кенг қўллашдир. Чунки, рақамли технологиялар ҳаёт суғуртасида тиббий андеррайтинг жараёнида потенциал суғурталанувчиларнинг рискларни махсус компьютер дастурлари (интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар) орқали олинган қўшимча маълумотлар асосида тезкор ва аниқроқ баҳолаш имконини беради. Жумладан, суғурта қилинаётган шахснинг ижтимоий тармоқларда аккаунтидаги фотосуратлари орқали унинг ҳаёт тарзи, одатлари, ижтимоий ҳолати, қизиқишлар, кассаллиги, умуман олганда ташқи кўринишидан келиб чиқиб, соғлиғига оид қўшимча маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш мумкин.

Андеррайтинг суғурта компанияларидаги асосий иш жараёни бўлиб, суғуртага қабул қилинаётган рискларни баҳолаш ва бошқаришни таъминлайди. Аммо, ҳозирги пайтда андеррайтинги рақамли технологиялар энг кам қўлланилаётган бизнес жараён ҳисобланади. Шу жиҳатдан, андеррайтинг жараёнларида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш нафақат ушбу бизнес жараёни, балки ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртасида андеррайтинг жараёнларини рақамлаштириш суғурта шартномаси бўйича рискларни аниқ баҳолаш, андеррайтернинг маълумотлар

¹ Груздова В. А. Общие подходы к оценке рисков в личном страховании на примере страхования жизни // Известия Пензенского государственного педагогического университета им. В.Г.Белинского. 2010. № 22. С. 250–254.

тўплаш бўйича эскича иш тартибини автоматлаштириш ва электрон (онлайн) дастурлаш, жумладан, сунъий интеллектни жалб қилиш, потенциал суғурталанувчиларнинг исътемоличилик хулқ атворларини моделлаштириш орқали суғурта хизматларини индивидуаллаштириш, суғурталанувчининг суғурта шартномаларини тузишдаги харажатларини камайитириш имконини беради¹.

1-жадвал

Ҳаёт суғуртасининг хорижий амалиётида андеррайтинг жараёнида қўлланилаётган рақамли технологиялар

Суғурта тури	Рақамли технология	Қисқача тавсиф
Ҳаёт суғуртаси ва ихтиёрий тиббий суғурта	Телетиббиёт	Суғуртага қабул қилинаётган рискларни баҳолаш. Суғурта шартномаси тузилаётганда сурункали касалликларни ёки соғлиғидаги бошқа муаммоларни аниқлаш учун шифокор томонидан телетиббий муҳокама ўтказиш.
	Биомониторинг	Рискни суғурталашдан олдинги ҳолатини ва суғурта шартномаси амал қилиш жараёнидаги ўзгаришини баҳолаш. Босган қадамлар сонини ва юрак уриш тезлигини ҳисоблайдиган оддий (благузук) қурилмасидан тортиб, то ўндан ортиқ параметрларни аниқлайдиган турли мураккаб қурилмалардан фойдаланиш.

Ҳаёт суғуртасида андеррайтинг жараёнларини рақамлаштириш ва компьютер дастурларини жорий этиш бутун андеррайтинг босқичларида ўзининг ижобий самарасини беради, жумладан:

- ходимлар учун қулай иш шароити яратилади;
- мутахассисларнинг ахборотларни йиғиш, фойдаланиш, таҳлил қилиш ва алмашиш жараёнлари тезлашади, соддалашади ва харажатлар камаяди;
- суғурта компаниясининг андеррайтинг департаменти ва бошқа бўлимлари ўртасида маълумот алмашишнинг самарали усули пайдо бўлади;
- ахборотларни қайта ишлашнинг барча босқичларида маълумотларнинг бутлиги ва хавфсизлиги таъминланади;
- суғурта рискларини аниқ баҳолаш, оптимал тарифларни белгилаш, суғурта қопламаларини ўз вақтида тўлаш имконини беради;
- суғурта захираларини шакллантириш, уларни юқори даромадли инвестиция объектларига жойлаштириш ва суғурта портфелини тузишни автоматлаштириш мумкин;
- андеррайтинг бўлимларининг раҳбарлари ўз бўлимлари фаолиятини тезкор таҳлил қилиши, раҳбарият ва тегишли юқори ташкилотлар учун тезкор таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаши соддалашади;
- суғурта компаниясининг раҳбарияти компаниянинг молиявий

¹ Брызгалов Д.В. Цифровизация андеррайтинга на российском страховом рынке // Цифровая экономика. 2020. №1. С. 90-101.

аҳволини тавсифловчи маълумотларни тезкор кузатиб бориши, андеррайтинг фаолияти ва суғурта портфелини баҳолаши ҳамда ҳар бир суғурта тури бўйича молиявий натижаларни тезкор аниқлай олиш имкониятига эга бўладилар.

Умуман олганда, рақамли технологияларни кенг жорий этиш жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган ҳаёт суғурта хизматларини кўрсатишга ва суғурта компаниясининг обрўсини оширишга замин яратади.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ РОЛИ

Юсунов Ш. - ТДИУ, магистранти

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасида мамлакат тараққиётининг барча соҳаларида, шу қаторда энг аввало тадбиркорлик соҳасида ислохотларни янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг фойда кўрсаткичларини янада ошириш ҳамда тадбиркорларни эркинлаштириш борасидаги аниқ дастурлар ишлаб чиқилган ва уларни ҳозирги кунда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўриб келинмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга кенг эшиклар очилган, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун барча қулайликлар яратиб берилмоқда. Бунга яққол мисол сифатида ҳозирги кунда банкларимизнинг тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида берилаётган максимал даражадаги кам фоизли кредитларини олишимиз мумкин. Шундай экан бу имкониятларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшиш ёшларнинг умуман олганда барча фуқароларнинг энг олий бурчларидан бири сифатида қарасак муболаға бўлмайди. Зеро, халқ бой бўлса, мамлакатда тадбиркор кўп булса давлат бой бўлиши барчамизга сир эмас.

Шуни таъкидлашимиз жоизки Президентимиз Ш. Мирзиёев иқтисодиётни ривожлантиришдаги муҳим вазифамиз сифатида “...бизнинг яна бир муҳим вазифамиз-кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқини ҳам, давлатини ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳес қачон чарчамайман, яъни “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратили бўлади”¹ деб такидлаганлар. Бу республикаимизда фаолият

¹ Ш.Мирзиёев “Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини бирга барпо этамиз” Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига

Нормаматов И.Б. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЧАКАНА ТЎЛОВ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ.....	419
Каралиев Т.М., Рустамов М.С. Баходирова К. БАНКЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ВА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИ ТУРЛАРИНИ ҲАМДА СИФАТИНИ ОШИРИШ.....	421
Юлдашев О. ҲАЁТ СУҒУРТАСИДА АНДЕРРАЙТИНГ ЖАРАЁНИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	423
Юсупов Ш. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК КОРХОНАЛАРДА ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ РОЛИ.....	426

6-СЕКЦИЯ. БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, АУДИТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳамдамов Б.К. ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ.....	429
Ризаев Н.К., Исматхужаева И.И. ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ВА ҲИСОБ СИЁСАТИ.....	431
Умаров З.А. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА БАНК КРЕДИТЛАРИ ТАСНИФИ.....	434
Сайфиддинов И.Ф. ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ТЎЛОВСИЗЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	436
Karimov A.A., Raxmatullayeva O'.Q. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MOLIYAVIY HISOBOTLARNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TUZISH VA UNING AVZALLIKLARI.....	438
Умаров З.А., Низомиддинов К.А. БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ.....	440
Байжанов С.Х., Утегенова С.Т. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ИШ СИФАТИНИНГ АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА МДҲ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА.....	442
Очилов И.К. МҲХС ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	445
Остонокулов А.А. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	450

“БАНКЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ”

**республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция
материаллари тўплами**

Нашр. лиц. АИ № 305. Босишга рухсат 06.06.2020 берилди.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози №2. «Тимес» гарнитураси.
Шартли б.т.31,8. Нашр ҳисоб т. 32,4.
Адади 100 дона.11-буюртма.

« IQTISOD-MOLIYA » нашриётида тайёрланди.
100084. Тошкент, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй.